

Фикҳ дарслари (139-дарс). Намоз вақтлари



17:30 / 03.06.2021 4801

اُورْفُسَاً: لاق ملسو ه ل ل ل ص ي ن ل ا ن ع ي د خ ن ب ع ف ا ر ن ع
ي ئ ا س ن ل ا ه ا و ر . ر ج ف ل ا ب

Рофеъ ибн Хадийж розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Бомдодни тонг оқарганда ўқинглар», дедилар».

Имом Насоий ривоят қилган.

ل ص ه ل ل ا ل و س ر ن ع م س : ل ا ق ج ي د خ ن ب ع ف ا ر ن ع ي د ب ل ن ب د و م ح م ن ع
ه ا و ر . ر ج ا ل ل م ط ع ا ه ن ا ف ر ج ف ل ا ب ا و ر ف س ا : ل و ق ي م ل س و ه ل ل ل ا

دَمْحَاوُ هَابِحِاصَوُ يَذْمُرْتَلَا

Маҳмуд ибн Лубайд Рофеъ ибн Хадийждан ривоят қилади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Бомдодни субҳ оқарганда ўқинглар, чунки унинг ажри улўғдир», деганларини эшитдим».

Термизий, унинг икки соҳиби ва Аҳмад ривоят қилишган.

Ёзда пешинни кечга суриш мустаҳабдир. Асрни ҳам, модомики қуёш ўзгармаса.

هَلْ لَعَلَّ لِي صَبَّ لِي نَعْمٌ ، هُنَّ عُلُوجٌ لِي ضَرَّةٌ زِيْرُهُ يَبْأَنْعُ
خَيْفٌ نَمْرٌ رَخْلٌ أَدْبَشٌ نِإْفٍ ، هَالَّ صِلَابٌ أُوْدِرْبُأْفٌ رَخْلٌ أَدْتَشَا إِذَا : لَأَقْمَلَسُو
نَدَأْفٌ ، أَصْنَعَبٌ يَضْعَبُ لَكَ أَيُّ بَرِّ أَيُّ : تَلَأَقَفٌ أَوَّبَرٌ يَلِإْرَانُ لَاتَكَتَشَاوُ ، مَنَنْعُ
أَمْ دَشَأُ وَهَفٌ ، فَيَصِلُ يَفِ سَفَنَوُ ، هَاتَّ شَلَا يَفِ سَفَنٌ : نِي سَفَنَبْ أَهْلُ
هُسْمَخْلَاهَاوُ . «رِيْرَهُ مَزَلَا نَمَنْ نُودِجَتْ أَمْ دَشَأُ وَرَخْلٌ لَانَمَنْ نُودِجَتْ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ҳарорат шиддатли бўлган пайтда намозни совутиб ўқинглар. Албатта, ҳароратнинг шиддати жаҳаннамнинг қайнаб чиққан иссиғидандир. Дўзах ўз Роббига шикоят қилиб:

«Эй Роббим, менинг баъзим баъзимни еб юборди», деди. Бас, унга икки нафасга изн берди. Қишда бир нафасга, ёзда бир нафасга. Сиз дуч келадиган энг шиддатли иссиқ ва энг шиддатли совуқ ана ўшандандир», дедилар».

Бешовлари ривоят қилишган.

Шунингдек, хуфтонни кечанинг учдан биригача ва уйғонишга ишончи борлар учун витрни (кечанинг) охиригача (суриш мустаҳабдир).

هَالَّ صَمَلَسُو هَلْ لَعَلَّ لِي صَبَّ لِي نَعْمٌ : لَأَقْمَلَسُو هَلْ لَعَلَّ لِي ضَرَّةٌ زِيْرُهُ يَبْأَنْعُ
، أَوْمَانَوُ سَأْنَلَا لِي صَدُقٌ : لَأَقْمَلَسُو مَثَلِي صَمَلَسُو مَثَلِي لِي لَلِإْفَصْنِ يَلِإْءِأَشْغَلَا
يَلِإْءِ قُشَأُ نَأْلَوْلُ : هِيْ أَوْرِي فَوُ . «أَهُومُ تَرَطُّتْنَا أَمْ هَالَّ صَمَلَسُو يَفِ مَكْنِإْ أَمْ
: هُطْفَلَوُ ، يَذْمُرْتَلَاوُ هَاتَّ لَأْ هَاوُ . «أَدَكَ هَاوُلْ صِيْ نَأْمُهُ تَرَمَّأَلْ يَتَّمُ

وَأَلْبَسُوا ثِيَابًا كَثِيرًا لِيَسْمَعُوا أَسْرَارَهُمْ إِذْ يَخُفُّونَ مِنْهُ يَوْمَ إِتْرَفَتُوا
«وفصن».

Анас розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам хуфтон намозини кечанинг ярмигача кечиктирар, кейин ўқирдилар. Сўнгра:

«Батаҳқиқ, одамлар намозни ўқиб, ухладилар. Аммо сизлар, модомики намозга интизор бўлиб турдингизми, намоздасизлар», дедилар».

Бошқа ривоятда:

«Агар умматимга машаққат бўлишини ўйламаганимда, шундай қилиб ўқишларига амр қилган бўлардим», дейилган.

Учовлари ривоят қилишган.

Термизийнинг ривоятида:

«Агар умматимга машаққат бўлишини ўйламаганимда, уларга хуфтонни кечанинг учдан биригача ёки ярмигача орқага суришни амр қилган бўлардим», дейилган.

«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди